
VIII аср охири-IX аср бошида халифаликни ларзага келтирган огир сиёсий вазият аббосийларнинг Мовароуннахр ва Хуросонда олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришга мажбур этди. Бирин-кетин Ўрта Осиёда тохирийлар, саффорийлар, сомонийлар дав-латлари ташкил топди. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришлардан сўнг Мовароуннахр Хуросондан ажралиб ўз мустаккиллигини тўла тиклаб олиш имконига эга бўлди. Мовароуннахрни бирлаштириб мустахкам давлат тузган давлат арбоби Исмоил Сомоний, 900 йилда Хуросонни хам саффорийлардан тортиб олиб улкан дав-лат барпо этди. Халифа сомонийлар давлатини тан олишга ва унга хукмронлик ёрлигини юборишга мажбур бўлди. Шу тарика IX аср охирларига келиб Мовароуннахр халклари Араб халифалигидан абадий халос бўлади ва араб халифалигидан мустакил бўлган йирик феодал давлат-Сомонийлар давлати ташкил топади.
Сомонийлар мамлакатни бошкаришда давлат маъмуриятини ташкил этадилар. Мамлакат ўнта девон (девони вазир, девони мустафи, девони амир ал-мулк, девони сохиб аш-шурат, девони сохиби муайид ёки борид, девони мушриф, девони мумалликайи хос, девони мухтасиб, девони авкоф, девони казо аз-зия) бошкарувида идора этилган. Сомонийлар хокимияти йирик заминдорларнинг манфаатини химоя килувчи мустакил феодал давлат эди («мулки султоний», «мулк ерлари», «вакф ерлари») X аср охирига келиб мамлакатда авж олиб кетган ўзаро урушлар унинг иктисодий ва сиёсий кудратига катта путур етказди ва сомонийларнинг корахонийлар давлатидан маглубиятга учрашига олиб келди. XI аср бошларида сомонийлар давлати худудларида икки давлат: корахонийлар ва газнавийлар давлатлари пайдо бўлди.
Корахонийлар давлатни эл-юрт ва вилоятларга бўлиб идора килдилар. XI-XII аср-ларда Ўрта Осиёда мулкчиликнинг янги тури-иктаъ тартиботи ўрнатилади («мулки султоний», «иктаъ», «вакф ерлари», «мулк ерлари»). XII асрнинг 30-йиллари охирида Мовароуннахр Шаркдан келган кўчманчи Корахитойлар хужумига дучор бўлди.
IX-XII асрларда мамлакат маънавий хаётининг асоси ислом мафкураси эди. Сомо-нийлар ислом мафкурасининг ривожига катта ахамият бердилар. Бухоро Шаркда ис-лом динининг энг нуфузли марказига айланди. Масжид, мадраса ва хонаколар куриш учун махсус жойлар ажратилди. Араб тили ва унинг имлоси жорий этилди.
Мовароуннахрда кўп ўтмай хатто она тилидан кўра араб тили ва ёзувини яхширок билган билимдонлар пайдо бўлди. Махаллий билимдонлар ўз ватанида кувгин остига олиниб, кўпгина толиби илмлар халифаликнинг марказий шахарлари-Дамашк, Кохира, Багдод, Куфа ва Басрага бориб билим олишга ва араб тилида ижод килишга мажбур бўладилар. Давлатни бошкаришда аббосийлар маъмурияти кўплаб билимдон сиймоларга мухтож эди, чунки араблар орасида шу даврда давлат ишига ярокли бўлган билимдорлар хали оз, борлари хам заиф эди.
Энг машхур маданият маркази шу даврда Багдод шахри эди. Багдодда «Байт ул хикма» (донишмандлар уйи) ташкил этилган эди. «Байт ул хикма»да Ахмад Фаргоний, Мухаммад ибн Мусо Хоразмий, Ахмад ибн Абдуллох Марвазийлар таълим олганлар. IX-X асрларда Ўрта Осиёда фан илмий асосларга эга эди. Унинг илдизлари Ўрта Осиё, айникса,

Хоразм, шунингдек Бобил, Эрон, Хиндистоннинг антик дунёсига ва кадимги маданиятига бориб такалар эди. IX-XII асрларда араб тилида асарлар ёз-ган энг машхур олимлар Ахмад Фаргоний, Мухаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абусалх Масихий, Абулхайр Хам-мар, Абуносир Аррон ва бошкалар эди.
1998 йил Ахмад Фаргонийнинг 1220 йиллиги нишонланди. Ахмад Фаргоний астро-ном, математик, географ эди. Багдод якинда Ракок номли мавзеда расадхона курилишига бошчилик килиб, астрономия мактабини ташкил этади. Унинг «Астрономия асоси», «Самовий харакатлар», «Юлдузлар хакидаги фан» номли асарлари машхурдир.
Мухаммад ибн Мусо Хоразмий машхур математик, астроном, географ, тарихчи эди. Ватандошимиз алгебра фанига асос солди. Унинг «Ал-жабр», «Зиж», «Куёш соати хакида рисола», «Суръат ул-арз», «Устурлоб холати хакида рисола» каби асарлари Шарк ва ўарб мамлакатларида илмий фикрларнинг ривожига самарали таъсир кўрсатди.
Абу Наср Фаробий Шарк фалсафасининг улуг мутафаккири бўлиб, кадимги дунё фалсафий меросини саклашда ва ривожлантиришда катта хисса кўшди. У 160 дан ортик асар ёзган, улардан «Аристотелнинг «Метофизика» асари максадлари хакида», «Мусика китоби», «Бахт-саодатга», «Сиёсат ал-мадония» шулар жумласидандир.
Абу Али ибн Сино икки сохага- медицина ва фалсафага кизикди ва бу сохаларда катта ютукларни кўлга киритди. («Ал-конун фит-тиб», «Китоб уш-шифо», «Донишно-ма», «Рисолат ат-тайр»). XVII асрга кадар Европада тиббиёт тажрибаси ва фани Ибн Сино гоялари таъсири остида бўлган.
Хоразм маданияти хоразмлик улуг олим Абу Райхон Берунийнинг номи билан богланган. Абу Райхон Беруний 150 дан ортик илмий асар ёзган бўлиб, «Ўтмиш авлодлардан колган ёдгорликлар», «Хиндистон», «Метеорология» каби йирик асарлари шулар жумласидандир. Беруний илм-фаннинг хамма сохаларини яхши билган комусий олим эди. У астрономия, геология, гидростатика, география, тарих фанларга катта хисса кўшди.
XI-XII асрларда ижтимоий фанлар хам анчагина тараккий этди. Масалан, шоир Абу Абдулло Рудакийнинг прозаик асарлари, Абулкосим Фирдавсийнинг «Шохнома»си, Гардизийнинг «Зайн-ул-бахор» («Гўзал хабарлар») асари, Мажидиддин Адмонинг «Тарихи мулки Туркистон» («Туркистон тарихи»), Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»си, Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадгу билик» асарлари шу даврга оид бўлиб, ундан ташкари шу даврларда Замахшарий, Махмуд Кошгарий, Амак Бухорий, Сўзани Самаркандий кабилар хам ижод этдилар.
Бу давр Ўрта Осиёда меъморчилик санъати хам гуркираб ривожланди. Бухорода Дехгарон, Масжиди калон, Намозгох, Магоки Атторий масжидлари, Сурхондарёдаги Жаркўтон минораси, Кўхна Урганчда Фахриддин Розий макбараси, Марвдаги Султон Санжар макбараси, Талхожанбобо масжиди ва бошка ёдгорликлар меъморчилик санъатининг ёркин намуналари хисобланади.
IX-XII асрда дунёвий фанлар билан бирга диний билимлар хам кенг ривожланди. Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Бурхонуддин Маргилоний, Абу Хафс Кабир Бухорий каби уламолар ислом таълимотининг ривожига улкан хисса кўшдилар. Ислом дини таълимотининг равнаки ва таргиботининг кенгайишида Бухоро шахри марказий ўрин эгаллади.Тасаввуф таълимоти ривожланиб Ўрта Осиёда унинг турли хил йўналишлари (XII асрда Туркистонда Яссавия, XIII аср охирида Хоразмда Кубровия, XIV асрда Бухорода Накшбандия) пайдо бўлди ва таркалди.